

«Тасдиклайман»
« _____ » хусусий
корхонаси раҳбари

« _____ » _____ 2008 йил

_____ ВИЛОЯТИ _____ ТУМАНИ
« _____ » ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ БУЙИЧА
НОН ВА МАКАРОН МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ
ЧИКАРИШНИ ТАШКИЛ КИЛИШ

БИЗНЕС РЕЖАСИ

_____ т . - 2008 й.

М У Н Д А Р И Ж А

- 1. Корхона хакида кискача маълумот**
- 2. Сармоянинг харажат йуналиши**
- 3. Ишлаб чиқариш харажатлари**
- 4. Ишлаб чиқариш куввати**
- 5. Бозор тахлили**
- 6. Корхона ва ходимларни бошқариш**
- 7. Корхонанинг ривожланиш тарихи**
- 8. Молиявий режа**
- 9. Кредит суммаси**
- 10. Мазкур кредит буйича молиявий режа ва фоиз туловлари**
- 11. Хулоса**

1. КИРИШ

КОРХОНА ХАКИДА КИСКАЧА МАЪЛУМОТ

Мазкур « _____ » хусусий корхонаси _____ тумани
Хокимилиги Тадбиркорлик субъектларини Давлат руйхатиغا олиш
инспекцияси томонидан 20__ йил _____даги № ____ - сонли реестри
билан давлат руйхатиغا олинган .

Корхона рахбари : _____
Паспорт _____ Музробот туман ИИБ томонидан _____
йил берилган.

Юридик манзилгохи:
Фаолият олиб борадиган манзил Термиз шаҳар _____ кучаси __ уй

Ишлаб чиқриш бинолари 52 м2 жойни ташкил қилади.

Банк реквизитлари :
Х/р _____
АТ « Микрокредит банк » Термиз булими
МФО _____
ИНН: _____

Корхона шу кунгача ишлаб чиқариш яъни нон маҳсулотлари ишлаб
чиқариш билан шугулланиб келган эндиликда уз фаолиятини
кенгайтириш яъни нон ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни
мақсад қилиб қуйган бунинг натижасида аҳолининг ушбу маҳсулот
турларига бўлган талабини нисбатан қондиришга қаратилган.

Корхона томонидан мазкур фаолиятни амалга ошириш яъни
ишлаб чиқриш ускуналари ҳамда хом ашё маҳсулотларини сотиб олиш
учун АТ «Микро кредит банк» маблағи ҳисобидан 10 000 000 (ун
милион) сум миқдорида йиллик 14 % устамаси билан 2 йил муддатга
кредит маблағи зарур ҳисобланади

2. САРМОЯНИНГ ХАРАЖАТ ЙУНАЛИШИ

Жадвал 1

Т\р	Сотиб олинадиган мулк ва хом ашёлар	Улчов бирлиги	Сони	Сотиб олиш бахоси (сум)	Жами суммаси (минг сум)
1	Нон махсулотлари ишлаб чиқариш ускунаси (ПЕЧЬ)	Комп	1	2 000 000	2000,0
2	Макарон махсулоти ишлаб чиқариш ускунаси	Дона	1	1800 000	1800,0
3	Макарон курутгич (сушилка)	Дона	1	1200 000	1200,0
4.	УН махсулотлари	Тн	16,6	300 000	5000,0
	Жами:				10 000,0

5. БОЗОР ТАҲЛИЛИ

Шахар худудида 180,0 минг атрофида аҳоли яшайди бу 28,0 минг оила. Ишлаб чиқариш фаолияти олиб бориладиган манзил Термиз шаҳри _____ кучаси __ уй. Ишлаб чиқариш бинолари 52 м² ни ташкил қилади. шаҳар ҳамда маҳала аҳолисининг, нон ва макарон махсулотларига булган талабини нисбатан кондиритиш мақсадида фаолият олиб боради.

Корхона уз фаолиятини йулга куйган холда нисбатан арзон баҳода сифатли хар хил турдаги макарон махсулотларини ишлаб чиқаради. Мижозларга уз вақтида буюртма буйича ва умумий тартибда махсулот сотиш хизматларини курсатади.

Юкорида курсатилган махсулот хажми усқунанинг 100 % кувват билан ишлаган холда иш вақти 1 сменада режалаштирилган.

Корхона томонидан ишлаб чиқаришни йулга куйиш, ишлаб чиқариш орқали юкори самарадорликга эришган холда кредит суммасини кайтариш қобилиятига эгадир. Корхонада ушбу фаолиятга меҳнатга лаёқатли 6 нафар ишчилар ишлайди ва бу билан 6 киши учун янги иш уринлари яратилади.

Корхона уз фаолиятини олиб бориш асосида ишлаб чиқаришнинг такомиллашувига ва ривожланишига асосий эътиборини каратади.

Корхона томонидан олинган кредит маблагининг мақсадли фойдаланиши, кредитнинг уз вақтида кайтарилишини назорат қилиш белгиланган тартибда банк муассаси ва солиқ органи томонидан амалга оширилади.

Корхона уз фаолиятини амалга ошириш давомида ташки мухит таъсирида носоглом вазиятлар қелиш эҳтимолини бартараф этиш учун белгиланган тартибда ветеринария хизмати, санитария эпидимология инспекциясини ва сугурта ташкилоти билан узаро алоқада муносабат мажбуриятларини тузади.

4. ИШЛАБ ЧИКАРИШ КУВВАТИ

Харажатларни ҳисоблаш ва таннархни аниқлаш.

Корхона томонидан буханка нон маҳсулоти тайёрланади. Энди шу маҳсулотни тайёрлаш учун кетадиган харажатларни ҳисоблаб чиқамиз. Хаммамизга маълумки 100 кг ундан 90 кг хамир тайёрланади.

1. Нон ишлаб чиқариш харажати.

$$100 \text{ кг ун} \times 300 \text{ сум} = 30\,000 \text{ сум}$$

$$2 \text{ кг туз} \times 200 \text{ сум} = 400 \text{ сум}$$

$$100 \text{ гр ачитки} \times 500 \text{ сум} = 500 \text{ сум}$$

$$\text{Жами:} \quad 30900 \text{ сум}$$

Ушбу маҳсулотлардан оғирлиги 500 гр булган 180 дона буханка нон пиширилади. Корхона томонидан кредит маблагига олинган нон ишлаб чиқариш ускунасида 12 та қолиб булиб ҳар бир қолибда 4 тадан нон пишириш кутиси мавжуд бу дегани 48 кути соатига 48 дона нон ишлаб чиқариш кувватига эгадир. Бундан келиб чиқиб корхонада 1 та нон пишириш ускунаси ва соатига 48 дона нон маҳсулоти ишлаб чиқариш кувватига эгадир. Демак Бир ойда 24 иш куни 1 кунда 8 соат иш вақти $8 \times 48 = 384$ дона тайёр нон маҳсулоти.

Корхона нон маҳсулотларини бозор нархидан келиб чиқиб уртача 350 сумдан сотишни режалаштирган.

Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларни ҳисоблаш ва таннархни аниқлаш

Тадбиркор томонидан 100 кг макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун кетадиган харажатларни ҳисоблаймиз.

100 кг макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари

$$1. 80 \text{ кг ун маҳсулоти} \times 300 \text{ сум} = 24000$$

$$2. \text{Тухум } 40 \text{ дона} \times 150 \text{ сум} = 6000$$

$$3. \text{Туз } 3 \text{ кг} \times 200 = 600$$

$$\text{Жами: } 30600 \text{ сум}$$

Демак 100 кг макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 30600 сумлик хом ашё зарур ҳисобланади. Корхонада бир кунда уртача 8 соат иш вақти 1 ойда 24 кун иш кунидан иборат. Тадбиркор томонидан олинган макарон ишлаб чиқариш ускунаси соатига 10 кг макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш кувватига эгадир. Демак 1 кунда 80 кг макарон маҳсулоти ишлаб чиқарилади бундан келиб чиқиб,

Т /р	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Ишлаб чиқариш хажми			Сотилиши 1 ойда (Сум)		
			1 суткада	1 ойда		Улчов бирлиги	Дона Нархи (сум)	Жами суммаси (сум)
1	Нон махсулоти	Дона	384	9216		9216	350	3225,6
2	Макарон махсулоти	Кг	80	1820		1820	800	1456,0
	Жами:							4681,6

Ушбу лойиҳадаги даромад ва харажатлари ҳозирги кундаги нарх наводан келиб чиққан ҳолда инфляция хисобга олинмаган ҳолда курсатилган бўлиб, келажакда инфляция булишидан каътий назар даромад ва харажатлар ҳам шунга қараб ушиб боради.

3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

	КУРСАТГИЧ	Улчов бирлиги	Сони	Нархи (минг Сум)	1 ойда (минг сум)	1 йилда (минг сум)	2 йилда (минг сум)
1	Ишчилар сони	Киши	6		6	6	6
2	Иш хақи фонди	Минг.сум	6		440,0	5280,0	10560,0
3	Иш хақи фондидан 24 % ажратма	Минг сум			105,6	1267,2	2534,4
5	Электр энергия харажатлари	Квт	2100	46,50	97,6	1171,2	2342,4
6	Сув харажатлари				7,0	84,0	168,0
7	Ишлаб чиқариш хом ашё харажатлари				2300,0	27600,0	55200,0
8	Ишлаб чиқариш бошқа харажатлари				340,0	4080,0	8160,0
9	Ишлаб чиқариш таннари				3290,2	39482,4	78964,8
10	Банк кредит буйича 14 %	Минг сум			116,6	1238,1	1695,1
11	Жами харажатлар	Минг сум			3406,8	40720,5	80659,9
12	Махсулот сотилиши	Минг сум			4681,0	56172,0	112344,0
13	Жами харажатлар	Минг Сум			3406,8	40720,5	80659,9
14	Солиқ тулови 8 %	Минг сум			374,5	4493,7	8987,5
15	Асосий кредит кайтарилиши	Минг сумм			0	4000,0	6000,0
	Соф фойда	Минг сум			899,7	6957,8	16696,6

6. ҚОРҲОНА ВА ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШ

Корхонанинг рахбари _____ хисобланади ва бошқаради.
Корхонада 6 киши иш олиб бориши кузда тутилган .

Корхонанинг штат жадвали куйидагича

Жадвал – 8 (сумда)

№	Лавозими	Сони	Бир ойлик иш хаки	Бир ойда	Бир чоракда	Бир йилда
1,	Бошлик	1	80 000	80 000	240 000	960 000
2	Хисобчи	1	80 000	80 000	240 000	960 000
3	Ишчи	4	70 000	280 000	840 000	3360 000
	Жами :	6		440000	1320 000	5280 000

8. МОЛИЯВИЙ РЕЖА

Суралаётган кредит маблагини 10 000,0 минг сумни ташкил этади. Амалда корхона хар ойда 4681,6 минг сумлик хажмда нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш режалаштирилган ва ялпи харажат ойига 3781,9 минг сум . Соф фойда 899,7 минг сумни ташкил этади.

Ишлаб чиқариш рентабеллиги

$$899,7 \text{ минг сум} / 3781,9 \text{ минг сум} \times 100 \% = 23,7 \%$$

Бундан куришиб турибдики корхонанинг йиллик соф фойдаси 6957,8 минг сумни ташкил қилади. Корхона кредит ва фоизларини уз вақтида қайтариш қобилиятига эгадир

Банк томонидан ажратилаётган 10 000,0 минг сум миқдордаги кредит маблагини ишлаб чиқариш йуналишида нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш ускуналарихамда хом ашёлар сотиб олиниши учун мулжаллангандир .

9. КРЕДИТ СУММАСИ

Суралаётган 10000,0 минг сум миқдордаги кредит маблагини 2008 йил 2- чорак май ойи мобайнида ажратилиши мулжалланган.

1. Кредит суммаси 10 000,0
2. Мулжалланган фоиз 14 %
3. Кредит муддати 2 йил
4. Курилиш монтаж ишлари 10 кун
5. Кредит ва фоиз туловлари хар ойда

X. КРЕДИТ ВА ФОИЗЛАРИНИ КАЙТАРИШ РЕЖАСИ

Жадвал (минг .сум)

№	Ойлар	2007 йил			2008 йил			2009 йил		
		Кредит микдори	Тулов		Кредит Микдори	Тулов		Кредит Микдори	Тулов	
			кредит	Фоииз		кредит	фоиз		кредит	Фоииз
1	Январ	0	0		8000,0	500,0	95,1	2000,0	500,0	23,8
2	Феврал	0	0		7500,0	500,0	80,5	1500,0	500,0	16,1
3	Март	0	0		7000,0	500,0	83,2	1000,0	500,0	11,9
4	Апрел	0	0		6500,0	500,0	74,8	500,0	500,0	5,7
5	Май	10 000,0	0	118,9	6000,0	500,0	71,3	0	0	0
6	Июн	0	0	115,0	5500,0	500,0	63,3	0	0	0
7	Июл	0	0	118,9	5000,0	500,0	59,5	0	0	0
8	Август	0	0	118,9	4500,0	500,0	53,5	0	0	0
9	Сентябр	0	500,0	115,0	4000,0	500,0	46,0	0	0	0
10	Октябр	9500,0	500,0	112,9	3500,0	500,0	41,6	0	0	0
11	Ноябр	9000,0	500,0	103,6	3000,0	500,0	34,5	0	0	0
12	Декабр	8500,0	500,0	101,0	2500,0	500,0	29,7	0	0	0
	Жами:		2000,0	904,2		6000,0	733,0		2000,0	57,5

11. Х У Л О С А

Банкнинг хамкорлигидаги фаолияти , кредит маблагини бериш кафолати натижасида, ушбу маблағнинг уз вақтида берилиши, унинг уз вақтида ва мақсадли фойдаланиши, ишлаб чиқариш , ишчи кучи етарли булгани холда Корхона олинган кредит маблағининг устамаси билан уз вақтида кайтариш имкониятига эгадир. Ушбу маблағдан фойдаланиш натижасида уз айланма маблағига эга булади, ишлаб чиқариш орқали аҳолининг ушбу нон ва макарон маҳсулотларига булган талаби нисбатан кондирилади. Бу эса Республикамизда, шу жумладан Сурхондаре вилоятида урта ва кичик бизнесни ривожлантиришда салмоқли хисса қўшганимиз булади.

Лойихани ишлаб чиқди.

«_____»

**хусусий корхонаси
рахбари:**
